

Qishloq hayoti

2013 йил Обод турмуш йили

Қишлоқ ҳаёти

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi www.qishloqhayoti.uz 2013-YIL 24-YANVAR, PAYSHANBA, 10 (8091)-son 1974-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan Bahosi kelishilgan narxda.

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИ – БИЛИМЛИ, ТАШАББУСКОР, ҒАЙРАТЛИ



Тошкентда 22-23 январь кунлари «Ўзбекистон Республикасида ёшлар сиёсатини амалга оширишнинг долзарб масалалари» мавзuida республика илмий-амалий конференцияси бўлиб ўтди. Анжуман Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Президентининг истиқболли ёш педагог ва илмий кадрлар малакасини ошириш «Истеъдод» жамғармаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ва Ўзбекистон Фанлар академияси томонидан ташкил этилди. Унда Ўзбекистон Республикаси парламенти аъзолари, вазирликлар, идоралар, жамоат ташкилотлари раҳбарлари, илмий ва маънавий-маърифий муассасалар мутахассислари, педагоглар, Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоят ва Тошкент шаҳридан иқтидорли ёшлар вакиллари – давлат мукофотларига сазовор бўлган йигит-қизлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат стипендияси ва махсус стипендиялар соҳиблари бўлган олий ўқув юртлари талабалари, касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар ва мактаблар ўқувчилари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.



СЎЗ – КОНФЕРЕНЦИЯ ИШТИРОКЧИЛАРИГА

Жаҳонгир МАЛЛАБОЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти
хузуридаги Давлат бошқаруви академияси бош
услубчиси:

– Истиқлолнинг дастлабки йилларидан Президентимиз Ислон Каримов раҳнамолигида ёшлар сиёсатида изчил ва тизимли ўзгаришлар амалга оширилмоқда ва бу давлатимизнинг устувор йўналишларидан ҳисобланади. Хусусан, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ёшларнинг ҳозирги кунда жадал ривожланаётган ахборот технологиялари соҳасидаги энг сўнгги билимларни тўлиқ ўзлаштиришини назарда тутди. Компьютер, интернет ва юқори технологиялар соҳасининг илғор ютуқлари ёшларимиз ҳаётининг ажралмас қисмига айланди. Бироқ, ҳар биримиз илмий-техник тараққиёт маҳсулларидан оқилона фойдаланишимиз кераклиги тўғрисида ўйлашимиз лозим.

Шу боис, мен ёшларни ахборот хуружларидан ҳимоя қилишга доир тадқиқот ўтказдим. Бу мавзу менинг Республика илмий-амалий анжумани материаллари тўпламида нашр этилган илмий мақоламга асос бўлди. Менимча, бу масала бугунги кунда долзарб аҳамият касб этади, чунки кўплаб мамлакатлар, жумладан, Ўзбекистон ҳам унинг ечими бўйича амалий чоралар кўрмоқда. Мазкур анжуман туфайли мана шундай долзарб масалалар юзасидан ўз фикримни ифода этиш имконияти туғилганидан жуда хурсандман.

Элдор ҲАМРОЕВ,
Тошкент давлат юридик институти
магистранти, 2011 йилги Ўзбекистон
Республикаси Президентининг Давлат
стипендияси соҳибчи:

– Мамлакатимизда ҳар томонлама баркамол авлодни тарбиялаб вояга етказиш учун барча зарур шароит яратилган ва бу ёшлар сиёсати соҳасида амалга оширилаётган чуқур ўйланган ва тизимли ислохотларнинг самарасидир. Хусусан, мустақилликнинг дастлабки йилида “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида”ги қонун қабул қилинган. Ёшларга ғамхўрлик кўрсатиш, уларнинг ташаббусларини қўллаб-қувватлаш ҳамда навқирон авлод вакиллари-нинг шахсий ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш мазкур қонуннинг устувор йўналишлари ҳисобланади.

Ёш мутахассис сифатида мен ёшлар сиёсати соҳасидаги муносабатларни тартибга солувчи қонунчилик ва меъёрий-ҳуқуқий базани ўрганишга жуда қизиқаман. Тадқиқотларим натижалари “Ёшлар сиёсатининг конституциявий асослари” мавзuidaги илмий мақоламда баён қилинган. Унда ёшлар сиёсатининг шаклланиши ва ривожланишига таъсир кўрсатадиган қатор қонунчилик ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни шартли равишда гуруҳларга бўлишга ҳаракат қилганман. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, ёшларнинг ҳар томонлама етук бўлиб вояга етиши ҳамда уларнинг энг илғор ижодий режалари ва гоёларини амалга оширишнинг ҳуқуқий асослари яратилган. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида бу борада ҳам муҳим қафолатлар берилган.

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИ — БИЛИМЛИ, ТАШАББУСКОР, ҒАЙРАТЛИ

Азамат КАМОЛОВ,
“Камолот” ёшлар ижтимоий
ҳаракати Тошкент вилояти
кенгаши раиси:

– Ўзбекистонда ёшлар ташкилотлари улкан интеллектуал ижодий салоҳиятни ривожлантириш, ўсиб келаётган авлодда бунёдкорлик руҳини шакллантиришга хизмат қилмоқда. Баркамол авлодни тарбиялаб вояга етказишдек эзгу ишларга ўз сафларида миллионлаб ёшларни бирлаштирган нодавлат но-тижорат ташкилотлари ҳам салмоқли ҳисса қўшиб келмоқда. Улар демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти қуриш жараёнида фаол иштирок этиб, маънавий-маърифий, ижтимоий-иқтисодий соҳаларда амалий ишларни бажармоқда ҳамда истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш, спорт ва жисмоний тарбияни ривожлантириш, соғлом турмуш тарзини шакллантиришга қаратилган кўплаб лойиҳаларни амалга оширмоқда.

Ушбу мавзу менинг Республика илмий-амалий анжуманидаги чиқишимнинг асосини ташкил этди. Ўз тадқиқотимда бугунги кунда ёшларимизнинг ишончли таянчи ва уларнинг муҳим масалаларини ҳал қилишда ҳамфикр бўлаётган “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати, “Келажак овози” ёшлар ташаббуслари маркази, “Sen Yolg'iz Emassan” Республика жамоатчилик болалар жамғармаси сингари нодавлат но-тижорат ташкилотлари фаолиятининг ўрни ва аҳамиятини таҳлил этишга ҳаракат қилдим.

Комил БЕКЖОНОВ,
“Камолот” ёшлар ижтимоий
ҳаракати Хоразм вилояти
кенгаши раиси:

– “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Хоразм вилояти кенгаши икки юз минг нафарга яқин ёшларни ўз сафларига бирлаштирган. Бугунги кунда ташкилотимиз томонидан ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, ўз иқтидори ва салоҳиятини намоён этишига кўмаклашиш, ёшлар ўртасида тадбиркорликни ривожлантириш ва бандликни таъминлаш бўйича кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Уларнинг бизнес-лойиҳаларини молиялаштиришга ажратилаётган кредитлар ҳажми йилдан-йилга ошмоқда. Ҳозир вилоятимиз ёшлари хизмат кўрсатиш, паррандачилик, балиқчилик, чорвачилик каби соҳаларда муваффақиятли иш олиб бормоқда.

Ушбу анжуманда олимларимиз ва ёшларимиз томонидан билдирилган таклифлар бу борадаги ишларни тизимли йўлга қўйиш ва такомиллаштириш, лойиҳалар кўламини янада кенгайтиришда ўз самараларини бериши шубҳасиз.

Любовь БРОННИКОВА,
Қорақалпоқ давлат университетининг
3-босқич талабаси:

– Бугунги ахборот технологиялари асрида атроф-муҳитнинг ўсиб келаётган авлодга кўрсатаётган таъсири сезиларли даражада кучайди. Замонавий ахборот технологиялари ёшларнинг интеллектуал даражасини оширишга хизмат қилмоқда. Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида барча таълим муассасаларида юқори технологиялар соҳасининг илғор ютуқлари жорий этилмоқда. Хусусан, мактаблар босқич-босқич компьютерлаштирилмоқда, бунинг

самарасида ёш авлодни баркамол шахслар этиб вояга етказиш таъминланмоқда, болаларнинг қобилияти ривожланиб, уларнинг ўқишга бўлган интилиши кучаймоқда.

“Соғлом авлодни тарбиялаб вояга етказишда ахборот технологияларининг ўрни” мавзусидаги илмий мақоламда таълим жараёнига ахборот-коммуникация технологияларини жорий этишнинг асосий йўналишларини таҳлил қилар эканман, ўқитиш услубларини ва ташкилий шаклларнинг мазмунини яхшилаш бўйича ўз таклифларимни билдирдим. Мазкур анжуман бизга тенгдошларимиз ва турли соҳа вакиллари билан ўзаро фикр алмашиш, истиқболдаги илмий-тадқиқотларимиз учун ғоялар олиш имконини берди.



Алишер ТОЖИЕВ,
Тошкент ахборот технологиялари
университети талабаси:

– Ҳозир мамлакатимиз ёшлари интернет ва мобиль воситалардан кенг фойдаланмоқда. Аммо бу йўналишда ёлгон ахборотга маҳлиё бўлиб қолаётган тенгдошларимиз ҳам йўқ эмас.

Тенгдошларимизни бундай салбий иллатлар, жумладан, “оммавий маданият” таъсиридан асраш бизнинг зиммамизга ҳам катта масъулият юклайди. Ахборот технологиялари соҳасининг бўлажак мутахассиси сифатида бундай муаммоларнинг олдини олиш борасида бир қатор дастур ва лойиҳалар ишлаб чиқиб, уларни амалга татбиқ этиш юзасидан изланиш олиб боряпман. Уларни рўёбга чиқаришда “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати менга яқиндан ёрдам бермоқда. Ушбу лойиҳам ёшларнинг замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш самарадорлигини ва билимларини оширишга хизмат қилади, деган умиддаман.



Муҳаббат ТЕМИРОВА,
Навобий давлат кончилиқ
институтининг катта
ўқитувчиси:

– Мамлакатимизда ёшлар пухта билим олиши, касб кўникмаларини шакллантириши, ўз истеъдодини тўла намоён этишига қаратилган стратегик муҳим вазифалар изчил амалга оширилмоқда. Таълим соҳасида амалга оширилган ислохотлар доирасида “Таълим тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни ҳамда мазмун-моҳиятига кўра ноёб бўлган Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг қабул қилиниши ва амалга оширилиши бунинг ёрқин далилидир.

Бундай хайрли ишлар самарасида мамлакатимизда бепул узлуксиз ўн икки йиллик ягона таълим тизими шакллантирилди. Олий таълим тизимида ҳам туб ислохотлар амалга оширилди, бакалаврлар ва магистрларни тайёрлаш бўйича жаҳон стандартларига ўтилди. Буларнинг барчаси ёшлар маънавиятини юксалтириш, уларни миллий аънаналар ва қадриятлар руҳида тарбиялашга хизмат қилаётган. Республика илмий-амалий анжуманида сўзга чиққан ёш мутахассисларнинг баён этган фикрлари орқали ҳам бунга тўла ишонч ҳосил қилиш мумкин. Улар ўз чиқишларида ёшлар сиёсатини янада такомиллаштириш масалалари бўйича кўплаб янги ғоялар, қарашлар ва ечимларни илгари сурди.

Тамара МАШАРИПОВА,
Қорақалпоқ давлат
университети журналистика
кафедраси катта ўқитувчиси:

– Бугунги глобаллашув даврида ёшларни турли ахборот хуружларидан, жумладан, “оммавий маданият” таъсиридан ҳимоя қилиш, улар онги ва дунёқарашини тўғри йўналтиришда журналист малакаси муҳим аҳамият касб этади. Журналистлар тайёрланадиган бизнинг таълим масканимизда бу жиҳатларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Таълим жараёнида замонавий ахборот технологияларидан кенг фойдаланамиз. Мамлакатимиздаги марказий нашрлар, теле ва радиоканаллар билан яхши ҳамкорлик йўлга қўйилган. Мақсадимиз – миллий журналистикамизни ривожлантириш, ўз соҳасини пухта эгаллаган малакали мутахассисларни тайёрлашдир.

Анжуманда бу борада кўплаб фойдали фикрлар эшитдик, илмий-амалий тажрибалар билан танишдик.

Дилноза КАТТАХОНОВА,
Ўзбекистон Миллий
университети хорижий
филология факультети
талабаси, Зулфия номидаги
Давлат мукофоти
совриндори:

– Анжуманда ёшлар ўртасида китобхонликни оммалаштириш, мутолаа маданиятини юксалтиришга эътиборни кучайтириш тобора долзарб аҳамият касб этаётгани алоҳида таъкидланди. Дарҳақиқат, замон ҳар қанча тараққий этмасин, ёшлар онгу тафаккурини юксалтиришда китобнинг ўрни ва аҳамияти ўз қадрини йўқотмайди. Шу маънода, таълим масканларида оммавий китобхонлик тадбирларини ўтказиш, ёшларда китобга меҳр-муҳаббат туйғуларини кучайтириш борасидаги таклифлар ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга арзийди.

Ўза мухбирлари
Меҳрибон МАМЕТОВА,
Сардор ТОЖИЕВ,
Баҳор ХИДИРОВА
ёзиб олди.

«BOZAR MUSIC»ДА ЎЗБЕК МАҚОМЛАРИ ЯНГРАДИ

Яқинда Брюсселда жойлашган “Bozar Music” бош концерт саройида Ўзбекистон халқ артисти, таниқли мақом ижрочиси Муножот Йўлчиевнинг яккахон концерти бўлиб ўтди. Ушбу маданий тадбир Бельгиянинг етакчи маданият марказларидан бири ҳисобланадиган “Art Center BOZAR” томонидан ташкил этилди.



Ўзбек мақомлари мохир ижрочисининг халқ қалби, донишмандлиги ва фалсафаси билан йўғрилган кўшиқлари, жозибатор ва бетакрор овози улғувор ва муҳташам “Bozar Music” концерт саройига тўпланган барча мухлислар-

ни ўзига мафтун қилди.

“Art Center BOZAR” маданият марказининг менежери Тони Ван дер Экен Муножот Йўлчиевнинг истеъдодига қойил қолганини айтди.

– Брюссель кўп миллатли шаҳар бўлиб, бу ерда 100 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари истиқомат қилади, – деди у. – Бугунги концерт дастурида ҳам турли миллат ва элат вакилларида иборат томошабинлар тўпланди. Кўшиқларнинг тили ва сўзларини тушунмасалар-да, барча мухлислар хонанданинг бетакрор овози ва ўзбек мусиқа асбобларининг ажиб куйларига мафтун бўлдилар.

Қайд этиш жоизки, хонанда ижросидаги ўзбек мақомларини тинглаган бельгияликлар гўё ўзбек халқининг минг йиллик тарихига сафар қилдилар. Санъаткорнинг мақом нолаларини ижро қилиш маҳорати, авж пардаларда эркин куйлай олиши мусиқа ихлосмандларининг барчасини ҳайратга солди. Концерт сўнггида тингловчиларнинг гулдурас олқишлари анча вақтгача янграб турди.

Тони Ван дер Экеннинг айтишича, “Bozar Music” концерт саройи сахнасида жаҳон мусиқа санъатининг кўплаб намёндалари ўз санъатларини намоёниш қилган, бироқ ҳеч ким Муножот Йўлчиева сингари барча томошабинларнинг бундай самимий ва гулдурас олқишларига сазовор бўлмаган.

“Жаҳон” АА

Брюссель

Самарқанд Вилояти

Самарқанд қишлоқ хўжалик институтида Самарқанд ва Жиззах вилоятлари ҳудудий ва туманлар Фермерлар кенгашлари аъзоларининг ўқув-семинари бўлиб ўтди.

САМАРҚАНДДА ФЕРМЕРЛАР ЎҚУВИ

Тадбирда фермер хўжаликлари ўзини ўзи бошқаришида таъсирчан механизмларни яратиш ва амалиётга жорий этиш бора-сидаги назарий ва амалий билим, кўникмаларни оширишга эътибор қаратилди.

Ўқув-машғулотлари олимлар, олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчилари, иқтисодчилар, ҳуқуқшунослар, ҳисобчилар ва соҳага оид бошқа мутахассислар иштирокида интерфаол, қиёсий-ҳуқуқий усул ва баҳс-мунозаралар тарзида ташкил этилди.

– Семинарнинг ҳудудий тарзда ташкил этилгани биз учун жуда маъқул бўлди, – дейди Жиззах вилояти Арнасой тумани Фермерлар кенгаши аъзоси Эркин Тайлоқов. – Негаки, бу икки вилоятнинг ери, суви, иқлим шароити бир хил. Шу билан бирга, фермерлар эришаётган ютуқлар, ечимини кутаётган муаммолар ҳам ўхшаш. Сирасини айтганда, ўзаро тажриба алмашувимиз айна муддао бўлди.

Акбар ҚАРШИЕВ

Олов – тилсиз ёв!

ОЛДИНИ ОЛГАН ДОҒДА ҚОЛМАЙДИ

Сигарета қолдигидан хазон ёниб кетадими, болалар шўхлигидан ёғ аланга оладими, носоз электр газ асбоб-ускуналаридан фойдаланиш оқибатида уй ёниб, кулга айланадими, хуллас, барча содир бўлаётган ёнғинлар сабаби эътиборсизлик ва эҳтиётсизликдир.

Ёнғин ҳодисаларини бартараф этишда эса ёнғин хавфсизлиги ходимларига тенглашадигани йўқ, албатта. Аммо гурил-лаб ёниб турган оловни ўчириш энг сўнгги чора эканлигини ҳисобга олсак, ёнғинни ўчириш эмас, унинг олдини олган афзал. Зеро, тилсиз ёв – оловнинг олдини олган доғда қолмайди. Бу борада соҳа ходимлари томонидан олиб борилаётган ишларнинг ўзи камлик қилади. Шу боис, аҳолининг ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилишларини таъминлашда кўпроқ жамоатчилик фаолларининг мададига суянамыз. Маҳалла оқсоқоллари, маслаҳатчи ва посбонлари тарғибот-ташвиқот ишларида доимо бизга камарбаста бўлишмоқда.

Ж. Тўлабоев,

12-ҲҲХ 26-ҲҲХ смена бошлиғи, капитан.

▼ ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ!

ЖУРНАЛИСТИКА СОҲАСИДА «ОЛТИН ҚАЛАМ» VIII МИЛЛИЙ МУКОФОТИ

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси Журналистларни қайта тайёрлаш халқаро маркази билан ҳамкорликда миллий ва халқаро журналистиканинг энг юксак ютуқларини кенг оммалаштириш, ОАВ ходимлари фуқаролик позицияларини намоён этишлари учун шароит яратиш ҳамда журналистларда танқидий фикрлашни ва ижодий фаолиятга янгича ёндашувларни шакллантириш мақсадида “Олтин қалам” VIII Миллий мукофоти учун халқаро танловни ўтказди.

3 май – Жаҳон матбуоти эркинлиги кунига бағишланган бу танловга 2012 йилнинг 31 мартдан 2013 йилнинг 31 мартгача – бир йил давомида газета ва журналларда чоп этилган, радио орқали эфирга узатилган ҳамда телевидениеда кўрсатилган ва интернет нашрларида берилган материаллар 2013 йилнинг 10 апрелигача қабул қилинади.

Танлов ғолиблари учун қуйидаги мукофотлар таъсис этилган:

Журналистика соҳасида бош миллий мукофот. Ғолиб махсус диплом, “Олтин қалам” кўкрак нишони, статуэткаси ва Ўзбекистон Республикасида белгиланган энг кам иш ҳақининг 200 баробари миқдорида пул мукофоти билан тақдирланади.

Асосий мукофотлар:

Энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (телевидение – 1, 2, 3-ўринлар);

Энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (радио – 1, 2, 3-ўринлар);

Энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (босма ОАВ – 1, 2, 3-ўринлар);

Энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (интернет-журналистика – 1, 2, 3-ўринлар).

Биринчи ўринни олган ғолиблар диплом, “Олтин қалам” кўкрак нишони, статуэткаси ва энг кам иш ҳақининг 160 баробари миқдорида пул мукофоти билан тақдирланадилар.

Иккинчи ўринни олган ғолиблар диплом, “Олтин қалам” кўкрак нишони, статуэткаси ва энг кам иш ҳақининг 140 баробари миқдорида пул мукофоти билан тақдирланадилар.

Учинчи ўринни олган ғолиблар диплом, “Олтин қалам” кўкрак нишони, статуэткаси ва энг кам иш ҳақининг 120 баробари миқдорида пул мукофоти билан тақдирланадилар.

“Олтин қалам” танлови ғолибларини мукофотлаш, шунингдек, уни ўтказиш билан боғлиқ сарф-харажатлар Ўзбекистон Республи-

каси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондининг молиявий кўмағида амалга оширилади.

Шунингдек, қатор халқаро ташкилотларнинг Ўзбекистондаги ваколатхоналари ҳам ўз рағбатлантирувчи мукофотларини таъсис этган.

Танловга теле-, радио-, босма материаллар ҳамда интернет нашрларида эълон қилинган ишлар тақдим этилади (5 тадан кам бўлмаслиги керак).

Телевидение бўйича видеоматериаллар, ахборот ташувчи воситанинг қандай кўринишда бўлишидан қатъи назар, 3 минутдан 30 минутгача бўлиши керак.

Радиоэшиттиришлар (аудиокассета ёки системали диск) 5 минутдан 30 минутгача бўлиши керак.

Матбуот ва интернет материаллари даврий нашрнинг асл нусхаси ёки кўчирма нусхасида тақдим этилиши лозим.

Танловга юборилган материалларга қуйидагилар илова қилинади:

– муаллифнинг исми-шарифи, про-



фессинал фаолияти тўғрисида қисқача маълумот;

– муаллифнинг турар жойи, уй ва иш телефонлари;

– паспорт нусхаси.

Танлов ғолибларини мукофотлаш маросими Жаҳон матбуоти эркинлиги кунини – 2013 йил 3 майда тантанали равишда ўтказилади.

Мукофот бир шахсга такроран берилмайди.

Материаллар “Олтин қалам” танловига деб кўрсатилган ҳолда қуйидаги манзилга юборилиши лозим:

Ўзбекистон Республикаси, 100129, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси 3-қават, 30, 35-хоналар.

Телефонлар: 244-64-61; 244-64-62; 244-37-87.

www.Journalist.uz

Qishloq Qurilish Bank

Президентимиз Ислам Каримов 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисида таъкидлаб ўтганидек, мамлакатимиз молия-банк тизими барқарор ва ишончли фаолият юритиб, юқори кўрсаткичларни намён этиб келмоқда.

Хусусан, ўтган йилда молия-банк хизматларининг юқори технологик ва бозорга хос турлари юқори суръатлар билан ривожланди. Унинг ўсиш кўрсаткичи 17,6 фоизни ташкил этди. Мана шундай хизмат турларидан бири – замонавий электрон ҳисоб-китоблар тизимидир. “Қишлоқ қурилиш банк” очик акциядорлик тижорат банки томонидан ҳам бу борада қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Мазкур молия муассасаси мижозлари учун замонавий электрон ҳисоб-китоблар тизимига асосланган, такомиллашган банк хизматларини тақлиф этиб келмоқда. Жумладан, тобора оммалашиб бораётган, қулай имкониятларини намён этаётган нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг жисмоний шахслар иштирокида электрон тарзда амалга ошириладиган пластик карточкаларга асосланган тўлов тизими муҳим аҳамият касб этмоқда.

“Қишлоқ қурилиш банк” очик акциядорлик тижорат банки томонидан 2013 йил 1 январь ҳолатига кўра, турғун савдо, умумий овқатланиш ва пуллик хизмат кўрсатиш кор-

2010 йил 19 апрелдаги “Банк пластик карточкаларидан фойдаланган ҳолда ҳисоб-китоб тизимини ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”-ги Қарори муҳим дастуриламал вазифасини ўтаётир.

Банк томонидан белгиланган истиқболдаги режаларда ҳам нақд пулсиз ҳисоб-китобларни янада ривожлантириш



“Smart-vista” карточкаларидан фойдаланувчиларга “SMS-Banking” хизмат тури жорий этилди. Бунда пластик карточ-

дан синов ўтказилиб, банк мижозлари ушбу қурилма билан тўлиқ таъминланди. Ҳозирда банк савдо терминалларидан

ҚУЛАЙ, ИХЧАМ ВА ИШОНЧЛИ ҲАМЁН

«ҚИШЛОҚ ҚУРИЛИШ БАНК» ТОМОНИДАН ЗАМОНАВИЙ ЭЛЕКТРОН ҲИСОБ-КИТОБЛАР ТИЗИМИДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИШЛАР МИЖОЗЛАР ЭЪТИРОФИГА САЗОВОР БЎЛМОҚДА

муҳим вазифалардан бири сифатида қайд этилган. Шу мақсадда терминаллар тармоғини янада кенгайтириш ишлари амалга оширилмоқда. Мана шундай ишлардан бири ҳозирги давр талабларига жавоб бера оладиган, янги “Smart-vista” технологиясига асосланган пластик карточкаларни муомалага чиқариш бўлди.

Янги тизимни кенг жорий этиш, банк филиаллари ходимларининг малакасини ошириш мақсадида амалий ўқув-машгулотлари ташкил этилди. Банк филиаллари томонидан жойлаштирилган терминалларда “Smart-vista” карточкаларини қабул қилиш бўйича алоқа каналларини созлаш, уларнинг Ягона умумреспублика процессинг маркази маълумотлар базаси билан маълумот алмашишини таъминлаш мақсадида ҳам бир қатор ишлар олиб борилди. Хусусан, Бош банк мутахассислари ёрдамида жойлардаги савдо ва хизмат кўрсатиш объектлари ходимларининг малакаси оширилди.

Банк томонидан пластик карточкалар орқали хизмат сифатини ошириш мақсадида

каларга маблағ келиб тушганда ва улар орқали тўлов ўтказилганда шу заҳотиёқ мижоз уяли телефонига SMS-хабар юборилади.

“UZKART-EMV” тўлов тизимининг жорий этилиши қатор янги имкониятларни ҳам яратди. Жумладан, тўлов тизимидан банкнинг фойдаланиш харажатлари (сервер қурилмалари, дастурий таъминот, техник ходимларни ёллаш кабилар) камайди. Банк пластик карточкалари орқали янги хизмат турлари амалиётга кириб келди. Маълумотлар марказлашгани боис, тўловлар амалиёти тезлашди. Энг муҳими, ушбу тизимнинг “On-line” режимида ишлаши ҳисобига тўловларнинг хавфсизлиги тўла таъминланди.

“On-line” режимида ишловчи “Smart-vista” карточкалари сонини кўпайтириш, улар орқали хизмат сифатини ошириш мақсадида Ягона умумреспублика процессинг маркази, “UzMobile” алоқа оператори мутахассислари билан ҳамкорликда CDMA-450 тизимида ишловчи модемларини савдо терминалларига улаш ва тўловларни амалга ошириш юзаси-

дан синов ўтказилиб, банк мижозлари ушбу қурилма билан тўлиқ таъминланди. Ҳозирда банк савдо терминалларидан

янги “Smart-vista” карточкаларини тўловга қабул қилишнинг тўла имконияти мавжуд. Айни вақтда бу борадаги ишлар изчил давом эттирилмоқда. Банк томонидан жорий йилда 50 000 дона “On-line” режимида ишловчи пластик карточкаларни муомалага киритиш ва қўшимча 1000 дона савдо терминалларини жойлаштириш режалаштирилган. Шунингдек, ушбу тизимнинг барча имкониятларидан фойдаланган ҳолда “Мобил-банкнинг”, “SMS-банкнинг” ва бошқа янги хизмат турлари жорий этилади. Ушбу турдаги



хоналарига, электр энергияси, газ ва бошқа турдаги коммунал тўловлар қабул қилишни ташкил этиш учун жами 5469 та терминал ўрнатилиб, 231 мингдан зиёд пластик карточка муомалага киритилди. 2012 йил давомида мижозларга қулай шароит яратиш мақсадида банк томонидан қўшимча 1 300 дона турли русумдаги стационар ва мобил терминаллар келтирилиб, ўрнатилди. Шу билан бирга, 20 000 дона янги пластик карточка муомалага чиқарилди.

Сарҳисоб этилаётган йилда банк терминаллари орқали 490,5 миллиард сўмлик транзакциялар амалга оширилган бўлиб, пластик карточкалар ҳисобварағига 375,2 миллиард сўмдан ортқ маблағлар ўтказилган. Пластик карточкалар орқали хизмат кўрсатиш тизими сифатини ошириш мақсадида республикамиз ҳудудида 26 та инфокиоск жойлаштирилди. Улар орқали бугунги кунда барча турдаги тўловлар, жумладан, коммунал, уяли алоқа операторлари ва интернет провайдерлари хизматлари учун куннинг 24 соати давомида тўловларни амалга ошириш имконияти йўлга қўйилди. Энг муҳими, ушбу ишларнинг амалий натижасида мазкур инфокиосклар орқали 2012 йилда 952,2 миллион сўмлик тўловлар ўтказилди.

Мазкур ишларни амалга оширишда Президентимизнинг



МИЖОЗЛАР ЭЪТИРОФИ

БУ ХИЗМАТДАН МАМНУНМИЗ

Магазинга боргунча сумкамни таксида унутиб қолдирибман. Буни қарангки, сумкада ҳамёним ҳам қолиб кетган экан. Ҳар қалай, ҳамёнимда нақд пул кам, барчаси “On-line” режимида ишловчи пластик карточкада эди.

Тезда банкка хабар қилдим. Бизга хизмат қиладиган банк магазинга яқин жойда экан. Бордим. Пластик карточкамни қайтадан янгилаб беришди. Ўша куни магазиндан харид қилмоқчи бўлган барча нарсани олиб, уйга келдим. Бир неча кундан кейин уй телефонимиз жиринглаб қолди. Олсам, такси хизматидан экан. Таксичи сумкамни уларга топширибди. Ёндафтарчамда манзилим қайд этилганди, шундан топишибди. Уларга раҳмат айтиб, сумкани олиб келдим.

Шу ўринда айтмоқчи эдимки, пластик карточка – қулай, ихчам ва ишончли ҳамён экан. Бу хизматни жорий этишган банк ходимларининг хизмати-дан ҳам мамнунлигимни изҳор этмоқчиман.


Намуна РЕЖАПОВА
Қўқон шаҳри.

Узоқ йиллар мактабда ўқитувчилик қилиб, пенсияга чиқдим. Бизга хизмат кўрсатадиган “Қишлоқ қурилиш банк”нинг “Кўкдала” филиали анча олис масофада жойлашган. Пенсияни банкка бориб олишга қийналардим.

Шу боис, ўтган йили уни пластик карточканинг янги тури – “On-line” га ўтказдик. Янги тизим ниҳоятда самарали ишлар экан. Ҳар ойнинг маълум кунда телефонимга карточкамга пул тушганлиги ҳақида хабар келади. Шунингдек, ҳар доим пластик карточкамдан бирон нарса харид қилинганда ҳам ҳисоб тўғрисида хабар келади. Бу билан мен ҳисобимда қанча пул борлигидан, қаерга ишлатилганлигидан тўла хабардор бўлиб тураман. Бизга сифатли ва вақтида хизмат кўрсатаётган, уларни янада такомиллаштираётган банк ходимларидан миннатдоримиз.

Ойдин ШОДМОНОВА,
Чироқчи туманида яшовчи пенсионер.

ТЕРМИНАЛЛАР ОРҚАЛИ ЎТКАЗИЛГАН ТЎЛОВЛАР (млрд. сўм)



пластик карточкаларни жойлаштириш юзасидан алоҳида режа ишлаб чиқилиб, унга асосан пластик карточкалар банк филиалларига етказиб берилмоқда.

Пластик карточкалардан фойдаланган ҳолда тўловларни узлуксиз амалга ошириш

имконини берувчи ўз-ўзига хизмат кўрсатувчи инфокиосклар ўрнатиш, бунда тўловларни қайта ишлаш юзасидан банкнинг “Биллинг” ва “Процессинг” марказларини ташкил этиш устида иш олиб борилмоқда.

Сирасини айтганда, нақд пулсиз ҳисоб-китоб тизимини такомиллаштириш, бу борадаги ишларни янада кенгайтириш юзасидан амалга оширилаётган ишлар кўлами ортмоқда. Ушбу хизмат турларидан мижозларнинг мамнунлиги эса сифат ва самарадорликнинг ошаётгани белгисидир.

Жавоҳир АЛИМОВ,
“Қишлоқ қурилиш банк” ОАТБ Пластик карточкалар билан ишлаш бошқармаси бошлиғи.

Хоразм Вилояти

Президентимиз ташаббуси билан Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг ташкил этилиши республикамизда спортни оммалаштириш, айниқса, болалар спортини янада такомиллаштириш йўлида катта қадам бўлди. Хоразм вилояти Янгибозор туманида жойлашган 9-сон футбол бўйича ихтисослаштирилган мактаб-интернати ўқувчилари ҳам ана шу йўлда ўзининг дадил ҳаракати билан, хусусан, жамғарманинг қўллаб-қувватлаши натижасида кўплаб муваффақиятларга эришмоқда.



Ҳамро БЕКТЕМИРОВ, Янгибозор туманидаги 9-сон вилоят футбол бўйича ихтисослаштирилган мактаб-интернати директори.

да 40 очко тўплаб, кумуш медаль соҳиби бўлди. Жамоа аъзоларидан Дилноза Бектемирова, Райҳона Бекберганова, Сабоҳат Эркинова, Дилноза

Мактаб-интернатимиз 2004 йилда ташкил этилган. Дастлаб футбол, белбоғли кураш, бокс йўналишлари бўйича спорт мактаб-интернати мақомида фаолият кўрсатиб келди.

Кейинчалик Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 7 августдаги “Айрим фанлар чуқур ўрганиладиган давлат ихтисослаштирилган умумтаълим муассасалари фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида”ги қарорига асосан таълим муассасамизга Хоразм вилояти 9-сон футбол бўйича

ихтисослаштирилган мактаб-интернати мақоми берилди. Интернатимизда 2008 йилда Республика футбол интернатлари ўртасида биринчилардан бўлиб “Тўмарис” кизлар футбол жамоаси ташкил қилинди. Жамоа мамлакат биринчилигида иштирок этиб, 2011 йил мавсумини 4-ўрин билан якунлади.

Ўтган йили аёллар футбол бўйича мамлакат биринчилигида “Тўмарис” кизлар футбол жамоамиз янада катта муваффақиятга эришди. Чемпионат-

Ўтамовалар мусобақа давомида ўзларининг иқтидорли футболчи эканлигини намоён қила олишди. Шунингдек, Дилноза Бектемирова ва Райҳона Бекберганова Шри-Ланкада бўлиб ўтган футбол бўйича 16 ёшгача бўлган футболчилар ўртасидаги Осиё чемпионати саралаш ўйинларида мамлакатимиз терма жамоаси сафида майдонга тушдилар. Осиё чемпионатининг саралаш босқичида илк бора иштирок этишига қарамасдан, терма жамоамиз Шри-Ланка термаси дарвозасига жавобсиз 6 та, Эрон термаси дарвозасига эса 3 та тўп киритишга муваффақ бўлди.

Интернатимизда халқаро ҳамкорлик, хорижлик мутахассислар билан тажриба алмашиш ишлари ҳам яхши йўлга қўйилган. Жумладан, 2010-

2012 йиллар мобайнида таълим муассасамизда футболда катта ривожланишга эришган Япониядан келган мутахассис — “С” категорияли мураббий Оми Мамажиро фаолият юритди. Ўтган қисқа давр мобайнида япониялик мураббийдан тахсил олган ёш футболчилар ҳаракатларида, услубларида ижобий ўзгаришлар кўзга ташланди. Натижада яна бир япониялик “С” лицензияли мураббий Ямамота Такуми 2012–2014 йилларда шартнома асосида футбол интернатида фаолият кўрсатадиган бўлди.

Бугунги кунда интернатимиз тарбияланувчиларидан ўғил болалар ўртасида 3 нафари олий лига жамоалари ўринбосарлари таркибида, 2 нафари 19 ёшгача бўлган Ўзбекистон терма жамоаси сафида тўп сурмоқдалар. Булар Жамшид Искандаров ва Жамол Машариповлардир.

Тарбияланувчи футболчи-қизлардан эса 18 нафари олий лига жамоаларида тўп сурмоқда. Интернатда ўқувчиларнинг

футбол машғулотларини олиб боришлари учун барча шарт-шароитлар яратилган. 2009 йил футбол интернатига Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан 30x18 ҳажмда катта спорт зали қурилиб, фойдаланишга топширилди. Ўқувчилар керакли спорт инвентарлари билан етарлича таъминланди. 145 ўринга мўлжалланган ётоқхонада ўқувчиларнинг ҳордиқ олишлари учун барча имкониятлар яратилган. Шунингдек, 3000 ўриндиққа эга бўлган марказий ўйингоҳ футбол интернатимиз тасарруфида.

Мактаб-интернатда футбол билан биргаликда спортнинг белбоғли кураш туридан ҳам тўғарак машғулотлари олиб борилади. Тўғаракка 24 нафар тарбияланувчи жалб қилинган бўлиб, улар республика миқёсидаги турли нуфузли мусобақаларда совринли ўринларни эгаллаб келмоқдалар.

Юртимиз футбол мухлислари учун 2012 йил, айниқса, қувончли воқеаларга бой

бўлди. Жумладан, Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси 3–17 ноябрь кунлари БААнинг Рас-Ал-Хайма ва Фужайра шаҳарларида ўтган ёшлар (U-19) ўртасидаги Осиё чемпионатида муваффақиятли иштирок этиб, Жаҳон чемпионатида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди. Бу мусобақада мактаб-интернатимиз тарбияланувчиси Жамшид Искандаров муваффақиятли қатнашиб, “Энг яхши футболчи” номинациясини қўлга киритди. Мусобақалар якунлангандан кейин, унинг иштирокида интернатимиз тарбияланувчилари билан мастер-класс ташкил қилинди. Ахир, улар бизнинг фахримиз, гуруримиз ва ютуғимиздир.

Албатта, эришаётган муваффақиятларимиз ва кўрсатаётган натижаларимиз эътибордан четда қолмапти. Президентимиз томонидан 2013 йил — Обод турмуш йили деб эълон қилинди. Йил дебوحаси сифатида туманимизда иккита футбол машғулотлари ўтказиш майдонининг қурилиш ишлари бошланиши бунга ёрқин мисолдир. Табиийки, бу ғам-хўрликлар таълим муассасамиз жамоаси ва ёш футболчиларимизни янги-янги марралар сари етаклашига шубҳа йўқ. Зеро, ёшларимизни баркамол ва соғлом қилиб тарбиялаш бизнинг асосий вазифамиздир.

Барчамизда гурур туйғуси бор, лекин бу туйғунинг амалий ишлар билан янада мустаҳкамлаш керак.

Навоий Вилояти



Сув спорти ОММАЛАШМОҚДА

Спорт – соғлиқ, саломатлик гарови. Мамлакатимизда спортни ривожлантиришга қаратилган эътибордан кўзланган мақсад ҳам баркамол авлодни вояга етказишдир. Айниқса, болалар спортини ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ишлар натижасида кўплаб ёшларимиз спортга ошно бўлишмоқда.

Навоий шаҳридаги 400 ўринли сув спортига ихтисослашган мажмуамиз ҳам ўтган йили Республика Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ташаббуси билан фойдаланишга топширилганди. Айни пайтда ушбу маскандан уч юз нафардан зиёд ўғил-қиз ўн нафар устоз-мураббийлар ёрдамида сув спорти бўйича машғулотларга қатнашмоқда. Мажмуамизда фарзандларимизнинг спорт билан шуғуллани-

ши учун барча шарт-шароитлар мавжуд. Мунтазам ташкил этиб келинаётган мусобақалар эса спортчи ёшларимизнинг маҳоратлари ортишига хизмат қилмоқда. 2012 йилда ўсмирлар ўртасида Тошкент шаҳрида ўтказилган Ўзбекистон чемпионатида Анастасия Кривашапкина, Ўзбекистон кубоги мусобақасида Муҳаммад Бахронов сингари ўқувчиларимиз яхши натижалар кўрсатиб, фахрли ўринларни эгаллашди.

Шу каби омилар спорт мажмуамизга қизиқишни орттирмоқда. Демакки, спорт мажмуамизда ҳали кўплаб ёшлар тобланади, мусобақаларда иштирок этиб, юртимиз байроғини баланд кўтаради. Бизнинг кўзлаган мақсадимиз ҳам шундай.

Асқар УМАРОВ, Навоий шаҳридаги сув спортига ихтисослашган мактаб директори.

Самарқанд Вилояти

САРТЕПАДАГИ МАЖМУА


Самарқанд шаҳрининг энг гавжум гўшаларидан бири — Сартепедаги спорт мажмуасида уч минг нафардан ортиқ ёшлар спорт билан мунтазам шуғулланишмоқда.


Очиқ, ёпиқ спорт залларида ёшларга футбол, волейбол, стол тенниси, бокс, таэквандо каби ўн бешга яқин спорт турларидан ўттиздан зиёд тажрибали мураббийлар сабоқ беришаётир. Мажмуада спортнинг биргина бадий гимнастика тури бўйича 75 та гуруҳда 900 нафарга яқин ёшлар мунтазам шуғулланмоқда.

Спортнинг бадий гимнастика тури бўйича Мафтуна Шамсиева, Фазода Саъдуллаева ва Самира Соатовалар республика кубоги соҳиби бўлишди. Шунингдек, спортчи қизлар халқаро турнирларда ҳам муваффақиятли иштирок этишмоқда. Жумладан, мажмуа тарбияланувчиси Ш.Бегматова Тошкентда ўтказилган «Маленкая Фея» турнирининг голиби бўлиб, Россияда ўтган «Олтин барг» халқаро мусобақасида учинчи ўринга муносиб топилди.

Мажмуада яқин кунларда жаҳон андозаларига мос мини футбол майдони иш бошлаш арафасида. Майдонча қурилишига ҳомийлар кўмагида хориждан 180 миллион сўмлик сунъий қоплама харид қилинди. Қисқача айтганда, ушбу спорт мажмуаси Сартепа ёшларининг сеvimли масканига айланган.

Ақбар ҚАРШИЕВ, “Qishloq hayoti” мухбири.




 Фарғона Вилояти

МЕЛИОРАЦИЯ ТАДБИРЛАРИ — ЮҚОРИ ҲОСИЛДОРЛИК ГАРОВИ

ФАРҒОНА ВИЛОЯТИДА СЎНГГИ БЕШ ЙИЛДА СУҒОРИЛАДИГАН ЕРЛАРНИНГ МЕЛИОРАТИВ ҲОЛАТИНИ ЯХШИЛАШ ДАВЛАТ ДАСТУРИ ДОИРАСИДА 56 МИЛЛИАРД СЎМДАН ЗИЁД МАБЛАҒ САРФЛАНИБ, КАТТА ҲАЖМДАГИ ИШЛАР БАЖАРИЛДИ.



Қишлоқ хўжалиги соҳасида деҳқон меҳнатининг самараси ва ҳосилдорлик кўп жиҳатдан ирригация тармоқларининг аҳволи ва ернинг мелиоратив ҳолатига боғлиқ. Кейинги йилларда виллоятда коллектор ва дренаж тизимларини тиклаш борасида олиб борилган кенг кўламли ишлар туфайли тупроқ унумдорлиги ошиб, пахтачилик, галлачилик ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш бўйича сезиларли даражада ўсишга эришилди.

Виллоятда мелиорация объектларини реконструкция қилиш, таъмирлаш-тиклаш ишларини комплекс амалга ошириш мақсадида 2008-2012 йилларга мўлжалланган давлат дастури доирасида салмоқли ишлар амалга оширилди.

Мавжуд 250 минг гектар экин майдонларини етарли сув захираси билан таъминлаш борасида кенг кўламли

ишлар амалга оширилмоқда. Чунончи, сифими 350 миллион куб метр бўлган Марказий Фарғона сув омборининг биринчи навбати қурилишини жорий мавсумда якунлаб, фойдаланишга топшириш кўзда тутилмоқда. Бу деҳқон ва фермерлар учун сув таъминоти бўйича катта имкониятлар яратади. Шунингдек, Риштон, Олтиарик, Ёзёвон, Бағдод туманларида 56 минг гектар майдоннинг мелиоратив ҳолати ва сув таъминотини яхшилаш учун Жаҳон банкининг қарийб 68 миллион 500 минг доллар, “Бешариқ”, “Фурқат-1” ва “Данғара” насос станцияларини реконструкция қилиш учун Осий тараққиёт банкининг 33 миллион 500 минг доллардан ортиқ кредит маблағлари жалб этилади.

Маълумотларга кўра, виллоятдаги мавжуд экин майдонларининг 48 фоизи турли да-

ражада шўрланган. Бу борадаги муаммоларни бартараф этиш юзасидан айни кунларда изчил ишлар олиб борилаётир. Жумладан, виллоят бўйича сўнги беш йилда Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш давлат дастури доирасида жами 56 миллиард сўмдан зиёд бюджет маблағи сарфланиб, катта ҳажмдаги ишлар бажарилди.

— Ўтган давр мобайнида мингдан зиёд фермер хўжаликлари тасарруфидаги 174 минг 800 гектар ернинг мелиоратив ҳолати яхшиланди, — дейди Сирдарё — Сўх сув ҳавзалари ирригация тизими бошқармаси бошлиғи Аъзамжон Раҳматуллаев. — Натижада виллоят микёсида пахта ҳосилдорлиги 2-3, бугдой ҳосилдорлиги 3-5 центнерга ошди. Виллоят бўйича умумфойдаланишда бўлган ерлар ҳисобидан чиқарилган 4 минг 300 гектар ерда

яна деҳқончилик қилиш имконияти яратилди.

Бундан ташқари, 16 насос станцияси ва 64 та тик қудуқ қурилди. Бу Учкўприк, Бағдод, Риштон, Ёзёвон, Қўштепа, Данғара, Бувайда, Ўзбекистон, Бешариқ ва Фурқат туманларидаги 260 фермер хўжалигининг салкам 14 минг гектар майдонларини вегетация мавсумида сув билан кафолатли таъминлаш имконини беради. Ўтган тўрт йил ичида лизинг асосида турли русумдаги 55 та экскаватор, 17 та бульдозер, 37 та бошқа турдаги ёрдамчи техникалар сотиб олинди. Бугунги кунда зовурларни тизимли тозалаш ишлари бўйича виллоят дастури асосида 52 экскаватор, 13 бульдозер кучидан унумли фойдаланилмоқда.

Бувайда туманидаги “Со-йибжон Солиҳбой” фермер хўжалигининг ер майдони асосан Марказий Фарғона чўли

ҳудудида жойлашган. Мелиорация тадбирларининг амалга оширилиши натижасида хўжалик ерларининг унумдорлиги анча ошди.

— Бугунги кунда фермер хўжалигимиз ерлари 96 гектарни ташкил қилади, — дейди хўжалик раҳбари Иззатилло Эрназаров. — Давлатимиз раҳбари бошчилигида фермерларнинг ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётгани, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга қаратилаётган улкан эътибор натижасида пахта ва галла етиштиришда ҳосилдорликни оширишга эришдик. Чунки биз деҳқончилик қилаётган ҳудудда ернинг шўрланиши анча кучли. Ўтган давр мобайнида ҳудуддаги зовурлар тозаланди, катта ҳажмда мелиорация тадбирлари амалга оширилди. Мазкур ишлар самарасида имкониятларимиз янада кенгайди.

Виллоятда ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва ирригация тизимини такомиллаштириш борасидаги лойиҳаларни изчил давом эттириш учун жорий йилда давлат бюджетидан қарийб 28 миллиард сўм маблағ ажратилмоқда. Бу қўшимча равишда 27 минг гектардан ортиқ суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш имконини беради.

Жорий йилда виллоятда қишлоқ хўжалиги соҳасида самарадорликни янада ошириш мақсадида жойларда мироблар, сув хўжалиги мутахассислари учун ўқув-семинарлар ташкил этилмоқда.

М.СУЛАЙМОНОВ,
ЎЗА муҳбири.

○ Эълонлар

КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ КЕНГАШИ КАПИТАЛ ҚУРИЛИШ БОШҚАРМАСИ ҚУЙИДАГИ ИНШОТГА ТАНЛОВ САВДОСИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

1. Наманган виллояти Янгикўрғон тумани Нанай ҚФЙда жойлашган “Камалак” болалар лагерини мукамал қайта қуриш.

Объектни бошланғич нархи **ҚҚС билан — 1 437 547 760 сўм, ҚҚСсиз — 1 197 956 466 сўм.**

Яқунлаш муддати — **8 ой.**

Буюртмачи: Тошкент шаҳри Мўйноқ 4 тор кўчаси, 15-«А» уйда жойлашган Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши капитал қурилиш бошқармаси. Тел.: (8-371) 298-68-86, 298-66-23. **Лойиҳани молиялаштириш:** Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши маблағи ҳисобидан амалга оширилади.

Талабгор сифатида қатнашаётган корхона ва ташкилотлар шундай талабларга жавоб беришлари керак: танлов савдо предметининг 20 фоиздан кам бўлмаган миқдоридеги айланма маблағга ёки кўрсатиб ўтилган маблағни беришга банк кафолатномасига, ишлаб чиқариш базасига, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига, мутахассисларнинг мавжудлигига, танловдаги иншоотга ўхшаш объектларда ишлаш тажрибасига эга бўлган, етарли касбий, техникавий малакага, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Маҳаллий ва хориж қурилиш ташкилотлари танлов савдоларида қатнашаётганда танлов таклифларини баҳолашда маҳаллий талабгорларга қуйидаги нарх кўрсаткичлари ҳисобга олинади.

Қатнашчиларнинг тижорат таклифларининг тенг шартларга келтириш мақсадида улар бўйича қонун ҳужжатларига мувофиқ импорт қилувчилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб бериладиган тендер таклифлари қатнашчиларнинг тендер таклифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси **Қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Наманган виллояти ҳудудий консалтинг марказига** қуйидаги манзилга Наманган шаҳар Навоий кўча 22-уй, Тел/факс (8-369) 226-14-50, 226-47-91 мурожаат қилиш мумкин.

Танлов ҳужжатларининг битта тўплами нархи — 100 000 сўм.

Таклифлар (офёрталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.

Таклифлар (офёрталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охириги муддати — офёрталарни очилиш куни ва соати.

Таклифлар матбуотда эълон чоп этилган кундан бошлаб ўттиз кундан кейин қуйидаги манзилда очилади: Наманган ш. А.Навоий кўча, 22-уй.

«КО'СНМАС МУЛК САВДО ХИЗМАТИ» МЧЖНИНГ ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ БАРЧА ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИ, ШУ ЖУМЛАДАН, КИЧИК БИЗНЕС ВАКИЛЛАРИ ҲАМДА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛАРНИ ОЧИҚ ТАНЛОВ САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

Савдога Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 25.05.2011 йилдаги 147-сонли қарори ва Жиззах виллояти Фориш тумани ҳокимининг 16.01.2013 йилдаги 02-23-сонли хатига ва 09.01.2013 йилдаги 56-сонли қарорига асосан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун қуйидаги ер участкасидан доимий фойдаланиш ҳуқуқи қўйилмоқда:

1. Савдо дўкони биноси қуриш учун, Фориш тумани Богдон маҳалласи Богдон кўчаси ҳудудида жойлашган 1 дона умумий майдони 154,0 кв.м. бўлган ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳуқуқнинг минимал қиймати — 77 627 сўм.

Мажбуриятларнинг бошланғич ҳажми Фориш тумани архитектура бўлими томонидан тайёрланган шаҳарсозлик топшириғи асосида белгиланади. Шаҳарсозлик топшириғи нусхаси талабгорларга танлов ҳужжатлари билан бирга тақдим этилади.

Талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш билдиришнома матбуотда эълон қилинган кундан бошлаб расмий иш кунларида қабул қилинади ва 2013 йил 25 февраль

куни соат 18:00.

Талабгорлар танлов ҳужжатларини олиш ва ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг бошланғич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдордаги закат пулини АТИБ “Ипотекабанк” Жиззах виллояти филиалидаги: 22626000804920609001, МФО: 00122, СТИР: 207122519 х/рга тўлашлари шарт.

Талабгорларнинг конвертлари Фориш тумани ҳокимлиги биносида 2013 йил 26 февраль куни соат 11:00 да очилади, 2013 йил 26 февраль куни соат 16:00 да мазкур ҳокимлик биносида таклифи энг яхши деб эътироф этилган талабгор қолиб деб топилди.

Ер участкасига бўлган чекланган (мажбуриятлар олинган) ҳуқуқлар мавжуд эмас.

Талабгорлар танлов ҳужжатларини энг кам ойлик иш ҳақининг бир баробари миқдоридеги ҳақ эвазига олади.

Талабгорлар буюртманома билан бирга қуйидаги ҳужжатларни икки нусхада тақдим этади:

- юридик шахслар - давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси ва белгиланган тартиб-

да расмийлаштирилган ишончнома;

- жисмоний шахслар - паспорт нусхаси (якка тадбиркор сифатида фаолият юритаётган жисмоний шахслар давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси), ваколатли вакил қатнашган тақдирда шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси ва белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;

- танлов ташкилотчиси закат тўланганлигини тасдиқловчи тўлов ҳужжатидан нусха;

- танлов ҳужжатлари талабгарига мувофиқ тузилиб, муҳрланган конвертларга жойлаштирилган икки нусхадаги танлов таклифлари.

Тақдим этилган ҳужжатларнинг барча varaқлари талабгорнинг имзоси, агар талабгор юридик шахс бўлса, унинг муҳри ва ваколатли шахсининг имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак.

Танлов ҳужжатларини олиш учун савдо ташкилотчисининг манзили: Жиззах виллояти Жиззах шаҳри Ш.Рашидов кўчаси 39-уй. Тел: (8-372) 222-34-16. j_1kmsx@inbox.uz. **Лицензия** № RR 0001. www.1kms.uz.

Тошкент вил. Зангиота т. ҳокимлиги ҳузуридаги ТСРҲИ томонидан рўйхатдан ўтган якка тартибдаги тадбиркор "G'ULOMOV KOMIL SAYDAKBAROVICH"нинг думалоқ муҳри ва бурчак штамп-пи йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Утеранные документы ООО "General Vision of Marketing": Гувоҳнома № 006832-11 от 14.09.2012 г. и Устав предприятия, выданные Хокимиятом Яккасарайского р-на, считать недействительными.

Утеранные документы ООО "Top Food Trade": Гувоҳнома № 000139 от 29.08.2012 г. и Устав предприятия, выданные Хокимиятом Кибрайского р-на, считать недействительными.

Утеранный гос.ордер № 09-02/5093 квартиры расположенной по адресу: г. Ташкент массив Гулобод Ц 26 д. 45 кв-ра 25, выданный 10.02.1993 г. на имя Махмамовой Аропат Балтаевны считать недействительным.

«КО'СНМАС MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖНИНГ
НАВОИЙ ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ БАРЧА
ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИ, ШУ
ЖУМЛАДАН, КИЧИК БИЗНЕС ВАКИЛЛАРИ ХАМДА
ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛАРНИ ОЧИҚ ТАНЛОВ
САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

1. Савдога Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги 147-сонли қарори ва Навоий вилояти Навоий шаҳар ҳокимининг 2012 йил 18 сентябрдаги Қ-715/09-сонли қарорига асосан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун юридик ва жисмоний шахсларга куйидаги ер участкаларининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи танловга қўйилмоқда:

1. Кўп (етти-тўққиз) қаватли турар-жой биноси қуриш учун, Навоий шаҳар 18-кичиқ тумани 1-зона ҳудудида жойлашган 2400 кв.мдан иборат 2-сонли ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 1 808 640 сўм.

3. Кўп (беш) қаватли турар-жой биноси қуриш учун, Навоий шаҳар 18-кичиқ тумани 1-зона ҳудудида жойлашган 830 кв.мдан иборат 3-сонли ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 625 888 сўм.

Мажбуриятларнинг бошлангич ҳажми Навоий шаҳар архитектура бўлими томонидан тайёрланган шаҳарсозлик топшириги асосида белгиланади. Шаҳарсозлик топшириги нусхаси талабгорларга танлов ҳужжатлари билан бирга тақдим этилади. Мажбуриятларни бажариш танлов болиб танлов мажбуриятларини бажариш тўғрисида шартнома

тузилган кундан бошлаб 2014 йил сентябрь ойига қадар бўлган муддатда амалга оширилиши лозим.

Танловда иштирок этиш учун талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш билдиришнома матбуотда эълон қилинган кундан бошланади ва 2013 йил 25 февраль куни соат 18:00 да тўхтади.

Талабгорларнинг конвертлари Навоий шаҳар ҳокимлиги биносида 2013 йил 26 февраль куни соат 11:00 да очилади 2013 йил 26 февраль куни соат 16:00 да мазкур ҳокимлик биносида таклифи энг яхши деб эътироф этилган талабгор болиб деб топилади.

Талабгорлар танлов ҳужжатларини олиш ва ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг бошлангич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдордаги зақалат пулини, АТИБ "Ипотека банк" Навоий филиалидаги: 20208000504920609007, МФО: 00205, СТИР: 207122519 ҳ/рга тўлашлари шарт.

Ер участкасига бўлган чекланган (мажбуриятлар олинган) ҳуқуқлар мавжуд эмас.

Танловда қатнашиш истагида бўлган талабгорлар танлов ташкилотчисидан танлов ҳужжатларини энг кам ойлик иш ҳақининг бир баробари миқдоридидаги ҳақ эвазига олади.

Талабгорлар буюртманома билан бирга куйидаги ҳужжатларни икки нусхада тақдим этади:

- юридик шахслар - дав-

лат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси ва белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;

- жисмоний шахслар - паспорт нусхаси (якка тадбиркор сифатида фаолият юритаётган жисмоний шахслар давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси), ваколатли вакил қатнашган тақдирда шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси ва белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;

- танлов ташкилотчисига зақалат тўлашнинг тасдиқловчи тўлов ҳужжатидан нусха;

- танлов ҳужжатлари талаблари мувофиқ тузилиб, муҳрланган конвертларга жойлаштирилган икки нусхадаги танлов таклифлари.

Тақдим этилган ҳужжатларнинг барча варақлари талабгорнинг имзоси, агар талабгор юридик шахс бўлса, унинг муҳри ва ваколатли шахснинг имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак.

Танлов ҳужжатларини олиш учун тўловлар ва зақалат пулини тўлаш учун танлов ташкилотчисининг банк рекевитилари:

Танлов ҳужжатларини олиш учун савдо ташкилотчисининг манзили: Навоий шаҳар П.Очилов кўчаси 24-уй. Тел: (8-436) 224-44-01.

Лицензия № RR 0001. www.1kms.uz.

БАРЧА ТУРДАГИ ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ДИККАТИГА!

7-сон ҚУРИЛАЁТГАН ҚОРХОНАЛАР БИРЛАШГАН ДИРЕКЦИЯСИ ҚУЙИДАГИ ОБЪЕКТ БЎЙИЧА ТАНЛОВ САВДОСИ ЎТҚАЗИЛИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

"Жиззах вилояти Бахмал ва Галлаорол туманларидаги ирригация тармоқларини реконструкция қилиш".

Объектнинг бошлангич қиймати: ҚҚСсиз 1095,752 млн. сўм, ҚҚС билан 1314,902 млн. сўм.

Ишларни тугаллаш муддати: 2014 йил 30 сентябргача.

Ишларни молиялаштириш давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Буюртмачи манзили: Жиззах шаҳри, Бешқувур кўчаси, 56-уй. Телефон: (8-372) 226-05-84.

Диққат! Бошлангич қиймати 500 млн. сўмдан кўп бўлган объектлар бўйича танлов савдолари ўтказилаётганда кичик бизнес субъектларига аҳамият берилади.

Танлов савдосида иштирок этадиган ташкилотлар қуйидаги шартларга жавоб беришлари керак: танлов савдоси предметининг 20% миқдоридидаги айланма маблағларига ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк мақолатномасига, ишлаб чиқариш базалари, ишларни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларга, етарли касбий ва техникавий малакага, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларига эга, ўхшаш иншоотларни қуриш бўйича тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Танлов савдосида маҳаллий ва чет эл қурилиш ташкилотлари иштирок этганда уларнинг танлов таклифлари баҳоланаётганда маҳаллий пудратчилар учун қуйидаги нарх преференциялари кўзда тутилган: оферентларнинг танлов таклифларини баҳолаш вақтида қонунчиликка мувофиқ қўшимча қиймат солигини тўлашдан озод этилган импорт ишларни бажарувчи ва хизмат кўрсатувчи чет эл оферентларнинг таклифларига қўшимча қиймат солиғи қўшиб ҳисобланади.

Танлов савдосида қатнашиш ва танлов ҳужжатларини олиш учун сўровнома билан танлов савдоси ташкилотчиси - Жиззах вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзилга мурожаат этиш мумкин:

Жиззах ш. Ш.Рашидов кўчаси 63-уй, 425-хона. Тел./факс: 226-14-66.

Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи - 120 минг сўм. Таклифлар (офёрталар) танлов савдоси ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.

Офёрталарни танлов савдоси ташкилотчисига тақдим этишининг охириги муддати - офёрталар очилиш куни ва соатигача.

Танлов савдоси эълон матбуотда чоп этилганидан 30 кундан кейин қуйидаги манзилда ўтказилади:

Жиззах ш, Ш.Рашидов шох кўчаси 64-уй (вилоят ҳокимлиги биноси), кичик мажлислар зали.

«Косон ДММК» МЧЖ
улущчилари диққатига!
ЭЪЛОН

«Косон ДММК» масъулияти чекланган жамиятининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши 2013 йил 23 февраль куни соат 10:00 да жамиятнинг маъмурий биносида ўтказилиши белгилансин.

Жамиятнинг умумий йиғилиши кун тартибига қуйидаги масалалар киритилган:

- 1. «Косон ДММК» МЧЖ Устав фондини ошириш.
2. «Косон ДММК» МЧЖ Уставига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш.
3. «Косон ДММК» МЧЖ Кузатов кенгаши тўғрисидаги ва Ички аудит хизмати тўғрисидаги низомларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш.

«Косон ДММК» МЧЖ Кузатов кенгаши

Тел/факс: 8-375-592-10-21.

Тел: +998955050201

Манзил: Қашқадарё вилояти Косон шаҳри Темир йўл шох бекати.

КАРАКАЛПАКСКИЙ ФИЛИАЛ ООО «АГРОСАНОАТ МУЛК МАРКАЗИ»
СООБЩАЕТ: 25 ФЕВРАЛЯ И 12 МАРТА 2013 ГОДА В 12.00 ЧАСОВ ПО
АДРЕСУ ГОРОД НУКУС УЛ. А. ТИМУРА ДОМ 129А ПРОВОДИТЬСЯ ОТКРЫТЫЕ
АУКЦИОННЫЕ ТОРГИ, НА КОТОРЫХ В ПОРЯДКЕ ПОСЛЕДОВАТЕЛЬНОГО
РОСТА НАЧАЛЬНЫХ ЦЕН, ВЫСТАВЛЯЕТСЯ НА ПРОДАЖУ:

- 1. Автомашина марки Газ-53, 1987 года выпуска, гос номер 23 А1 076 принадлежащий ОАО «Автожолмехбаза». Начальная цена 308 000 сум.
2. Арестованные отделением департамента по исполнению судебных решений города Нукуса согласно решению суда по УД г. Нукуса Республики Каракалпакстан выставляется: Автомашина марки ЗаЗ-968М, 1988 года выпуска, г/н 68-57 КП. Начальная цена 400 000 сум.
3. Арестованные отделением департамента по исполнению судебных решений города Нукуса согласно решению суда по УД Ходжейлинского района Республики Каракалпакстан выставляется: Автомашина марки нексиа, 2010 года выпуска, г/н 95Q039 АА. Начальная цена 25 200 000 сум.
4. Арестованные отделением департамента по исполнению судебных решений города Нукуса согласно решению суда по УД Ходжейлинского района Республики Каракалпакстан выставляется: Автомашина марки Газ-53, 1987 года выпуска, гос номер 23 А1 076 принадлежащий ОАО «Автожолмехбаза». Начальная цена 308 000 сум.
5. Арестованные отделением департамента по исполнению судебных решений города Нукуса согласно решению суда по УД Канлыкүльского района Республики Каракалпакстан выставляется: Автомашина марки тико, 2000 года выпуска, г/н 95L 574 ВА. Начальная цена 14 250 000 сум.
6. Арестованные отделением департамента по исполнению судебных решений города Нукуса согласно решению суда по УД г. Нукуса Республики Каракалпакстан выставляется: Автомашина марки спарк-м300, 2010 года выпуска, г/н 95L789BA. Начальная цена 28 500 000 сум.
7. Арестованные отделением департамента по исполнению судебных решений города Нукуса согласно решению суда по УД г. Нукуса Республики Каракалпакстан выставляется: Автомашина марки мавиз, 2010 года выпуска, г/н 95/123 ТТА. Начальная цена 15 652 416 сум.
Прием заявок от желающих участвовать в аукционных торгах производится с 9.00 по 18.00 во все дни кроме субботы и воскресения. Прием заявок прекращается за один день до начала аукционных торгов. Покупатель вносит залог не менее 10 процентов от первоначальной стоимости заявленного имущества с указанием номера и даты исполнительного документа в справке уплаты на р/с №20208000204970498001, МФО 00585, ИНН 207145085 КК филиала ООО«Агросаноат мулк маркази» в АК Турон банк. Телефоны для справок: 222-55-84.

Table with 4 columns containing various legal notices and announcements, including information about land plots, auctions, and company registrations.

РАСМЛИК АНВОРД



ҚЎЙ (21.03 — 20.04)
Сиз табиатан оғир ва босиқ инсонсиз, аммо ушбу ҳафтада бу фазилингиз панд бериб қўйиши мумкин. Сизга янги шароитга тезда мослашиб, мустақил равишда тўғри қарор қабул қилишни маслаҳат берамиз.

БУЗОҚ (21.04 — 20.05)
Ушбу ҳафтада пешона тери ва ақл кучи билан яхшигина молиявий даромад қиласиз. Оилавий муносабатларингиздаги аҳил-иноқлик, яқинларингизнинг меҳр-муҳаббати сизни янада руҳлантириб, бундан фаол бўлишга ундайди.

ЭГИЗАКЛАР (21.05 — 21.06)
Сиз иш фаолиятингизда ўз куч ва имкониятларингизга ишониб, доимо олдинга дадил одимлайсиз. Эришган ютуқларингизни фаолиятингизга берилган баҳр деб билинг. Сизни хушхабар кутмоқда.

ҚИСҚИЧБАҚА (22.06 — 22.07)
Ҳафта бошида бироз сарф-харажатларингиз кўпайиб кетса, ташвишланманг. Ҳафта ўртасида янги ҳамкорлар билан самарали лойиҳани амалга ошириб, яхшигина даромад оласиз.

АРСЛОН (23.07 — 23.08)
Иш фаолиятингизда сизни бир поғона юқори лавозимга тайинлашлари мумкин. Қимирлаган қир ошар, деганларидек, ишхонада янада фаол бўлиб, энг яхши номзод эканлигингизни исботланг.

ПАРИЗОД (24.08 — 23.09)
Ушбу ҳафтада хушфэллилингиз, ақлингиз билан кўпчилиكنинг эътиборига тушасиз. Аммо баъзи қаршиликларни бартаф этишга тўғри келади. Сиз, албатта, барчасини ижобий ҳал этасиз.

ТАРОЗИ (24.09 — 23.10)
Купилмаган янгиликдан бошингиз осмонга етгудек хурсанд бўласиз. Ҳаётингиз ҳам ижобий томонга ўзгаради. Шу ўринда соғлигингизга бироз эътиборлироқ бўлишни маслаҳат берамиз.

ЧАЁН (24.10 — 22.11)
Ишонангизда вазифангизга кирмайдиган ишларни бажаришни талаб қилишса, оғринмай бажараверинг. Бунинг эвазига яхшигина даромад олишингиз мумкин. Ҳаракатда баракат, деб бежизга айтилмайди.

ЎҚОТАР (23.11 — 21.12)
Ҳар қандай вазиятда умидсизликка тушмай фаолиятингизни давом эттиринг. Молиявий муаммоларингизни ҳал этишда кучли қобилиятингиз, сеvimли одамларингиз, дўсту биродарларингиз ёрдам беришади.

ТОҒ ЭЧКИСИ (22.12 — 20.01)
Ушбу ҳафтада барча жабҳада омаднингиз чопади. Лавозимингиз ошади. Анчадан буён ечимини кутаётган муаммоларингиз ҳал бўлади ва ҳаётингиз изига тушади.

ҚОВҒА (21.01 — 20.02)
Келаётган ҳафтада ҳар доимгиданда кўп куч-ғайрат билан ишга киришасиз. Меҳнатингизга қараб, турмуш фаровонлигингиз ҳам ортиб боради. Зеро, меҳнатдан келса бойлик, турмуш бўлар чиройлик.

БАЛИҚ (21.02 — 20.03)
Муносиб ҳамкор топиш, уларда етишмайдиган сифатларни кўриш, шу аснода ўзингизнинг хато ва камчиликларингизни тузатиш ҳозирги пайтдаги энг муҳим вазифаларингиздан бири.

ТАБАССУМ



Бир одам мазза қилиб ухлаётса, хизматкори келиб уйғомибди:
— Жаноб, туринг, туринг!
Ухлаётган одам кўрқиб кетиб сўрабди:
— Тинчликми, нима бўлди? Бунча баҳима қиласан?
Шунда хизматкор:
— Жаноб, уйқу дори ичадиган бактингиз бўлди.

— Табриклайман, дўстим. Хотининг билан ярашганингиз за

яхши иш бўлибди-да.
— Қаёқдан олдинг бу гапларни?
— Ахир кеча биргаликда жуда аҳил бўлиб ўтин арралаётган эдинглар-ку?..
— Нималар деясан, кўрганингиз ўтин эмас, мебель эди.

— Нега асаларичи асал йиғаятганда бошига тўр-сетка кийиб олади?
— Кейинчалик асаларилар таниб қолиб адабини бермасликлари учун.

Бош муҳаррир:
Чори ЛАТИПОВ
МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Вазиrлар Маҳкамаси Агрoсаноат комплекси таркибидаги ҳамда шу тармоққа дахлдор вазиrлик ва идоралар.

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:
Зафар РЎЗИЕВ, Улугбек УЗОҚОВ, Фарҳод ОМОНОВ, Эркин ҚУДРАТОВ, Муса АНОРБОВ, Абдивахоб ТАМИКАЕВ, Маҳмуд ТОИР, Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Омонулла ЮНУСОВ, Анвар ҚУЛМУРОДОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Ренат НАЗАРОВ, Шерзод ҒУЛОМОВ, Муҳиддин АБДУСАМАТОВ (Масъул котиб).

ТЕЛЕФОНЛАР:
Қабулхона — 236-58-83, Котибиr — 233-95-17, Аграр масалалари бўлими — 233-76-78, Ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий масалалар бўлими — 236-56-30, Маънавий ва маърифат бўлими — 236-56-21, Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими — 236-56-25, Факс — 233-44-43, 233-28-04, 233-09-93.
ХУДУДЛАРДАГИ МУХБИРЛАР:
Қорақалпоғистон Республикаси — (+99890) 728-09-78; ВИЛОЯТЛАР: Андижон — (+99893) 630-73-03; Бухоро — (+99891) 247-29-59; Жиззах — (+99890) 297-44-09; Навоий — (+99891) 537-14-36; Наманган ва Фарғона — (+99890) 278-95-87; Самарқанд — (+99891) 537-24-95; Сирдарё — (+99894) 168-23-60; Сурхондарё — (+99890) 519-86-50; Тошкент — (+99890) 976-39-58; Хоразм — (+99890) 438-71-25; Қашқадарё — (+99891) 635-08-03.

Реклама ва эълонлар:
236-58-83, 233-28-04.
Реклама ва эълонлар матни учун буюртмачи жавобгар

ISSN 2030-7023
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2009 йил 13 февралда № 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

Навбатчи муҳаррир:
Ш.ЙЎЛДОШЕВ
Мусахҳиш:
А.ЭЛМУРОДОВ
Дизайнер:
М.БОБОМУХАММЕДОВА